



Агар биз асл, ҳақиқий санъатни билмоқчи, ўрганмоқчи бўлсак, аввало, мумтоз мақом санъатини билишимиз, ўрганишимиз керак.

БЕЛАРУСЬ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА РАСМИЙ ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифи биноан Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко 2018 йил 12-14 сентябрь кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлади.

Бўлажак олий даражадаги учрашув ва музокараларда икки томонлама ҳамкорликка доир кенг қўламли масалаларни муҳокама қилиш, сиёсий мулоқотни, савдо-иқтисодий, инвестиция, фан ва таълим, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришнинг узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган асосий йўналишларини белгилаб олиш режалаштирилган.

Ўзбекистон ва Беларусь Президентлари минтақавий ва халқаро сиёсатнинг долзарб масалалари юзасидан ҳам фикр алмашди.

Ташриф доирасида Тошкент шаҳрида «Беларусда ишлаб чиқарилган» миллий кўргазмаси ташкил этилади, шунингдек, икки мамлакат ишбилармон доиралари ва ҳудудлари раҳбарлари иштирокида қўшма бизнес ва ҳудудлараро ҳамкорлик форуми бўлиб ўтади.

Олий даражадаги музокаралар якунида давлат раҳбарларининг қўшма баёноти, Ўзбекистон ва Беларусь ўртасидаги кўп қиррали дўстона алоқаларга янги суръат бахш этишга қаратилган салмоқли давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро келишувлар ва бошқа ҳужжатлар имзоланиши кутилмоқда.

ЎЗА

МУНОСАБАТ

«ЧИН ДЕВОРИДАН БОЛҚОНЛАРГА ҚАДАР ЎЗАНГАН ТУРК ДУНЁСИ»

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Қирғизистоннинг Чўпонота шаҳрида бўлиб ўтган Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашининг олтинчи саммитидаги нутқи жаҳон ОАВ томонидан қизғин шарҳланмоқда

Президентимиз саммитдаги нутқида Ўзбекистоннинг қадимий Хива шаҳрини 2020 йилда Туркий дунёнинг маданий пойтахти, деб эълон қилиш масаласини кўриб чиқишни таклиф этди. Ҳақиқатан ҳам, дунёдаги ягона музей-шаҳар мақомидаги ва ўрта асрлардаги туркий цивилизациянинг ноёб маданий ва меъморий обидаси бўлган Ўзбекистон инжуси Хива шаҳри бундай юксак эътирофга лойиқдир.

3



МАҚОМ ОҲАНГЛАРИ, РУҲИ ВА ФАЛСАФАСИ ҚАЛБЛАРДАН ЖОЙ ОЛДИ

Шаҳрисабз шаҳрида Халқаро мақом санъати анжумани якунланди

Қарийб бир ҳафта давомида Шаҳрисабз жаҳоннинг турли давлатларидан келган энг сара мақом ижрочилари баҳсига мезбонлик қилди. Бир ҳафта давомида мовий гўлбаллар остида оромбахш наволар янгради. Улардаги жозиба, оҳанг, илоҳий куч-қудрат мусиқага ошфат қалбларни забт этди. Дунёнинг машҳур хонанда ва созандалари, маданият ва санъат арбоблари, мусиқашунос олимлар нигоҳи Шаҳрисабзда бўлди.

Мақом халқаро санъат байрамнинг асосий госяи инсоният маданий меросининг акраламас исми бўлган мақом санъатини ривожлантириш, унинг қадимий тарихи, терең фалсафаси, бетақор ижро услуби ва бой ижодий аъёнларини келажак авлодга етказиш ва давомийлигини таъминлашдан иборатдир.

Анжуман кунлари шаҳардаги 6 меҳмонхона ва қатор меҳмон уйлари хорижлик иштирокчиларга хизмат кўрсатди. Чет эллик меҳмонларни қутиб олиш, анжуман давомида уларга ҳамроҳлик қилиш учун олий таълим муассасаларидан гид-волонтерлар саралаб олинди.

Халқаро мақом санъати анжумани доирасида 7 сентябрдан бошлаб Тошкент — Шаҳрисабз — Тошкент йўналиши бўйича «Afrosiyob» замонавий электропоездининг мунтазам қатнови йўлга қўйилди.

Ушбу фестивалнинг ҳар бир куни қизқарли ва ўзига хос бўлди. Мени ўзбек халқининг бой маданияти, аёна ва урф-одатларини юксак қадрлаш, асраб-авайлаш, аинқиса, ҳайратлантирди, — дейди тунислик мусиқашунос олим, Тунис олий мусиқа институти асосчиси Махмуд Гуттат. — Шундай буюк ва бетақор маданият ўзбек халқининг қонига сингиб кетгани мақом санъати анжуманида юртингизнинг барча ҳудудлари аъёнлари намойишида янада ёрқин акс этди. Бир халқ, бир маданият бўлишига қарамасдан, бу ердаги ранг-баранглик ақлни шоширади.

Президент Шавкат Мирзиёев санъат анжумани очилишидаги нутқида қайд этганидек, ушбу анжуманининг мақсади бу ноёб бойлиқни

қўз қорачиқдек асраб-авайлаш, ундан дунё аҳлини баҳраманд қилиш, келгуси наслларга безавол етказиш, турли қитъа ва мамлакатлар вакилларини бу гўзал меҳмонхонада муҳасамат этишдан иборат экани мени гоят хурсанд қилди.

— Мақом фақатгина қалбларни ром этувчи мусиқий жанр эмас, бутун бир фалсафадир, — дейди эронлик Фарид Ризоий. — Мақом наволари билан бирга мен анжуманининг режиссерлик ишидан ҳам завқландим. Буларнинг барчаси энг юксак савияда ташкил этилган. Саҳна узра Амир Темур ҳайкали ва унинг ортидан маҳаббатли Оқсарой намоян бўлгани минг йиллик тарихни бугунги замон билан ҳайратланарли даражада уйғунлаштирган. Мақом анжуманида мен ўзим учун ўзбек халқининг нозик қалбини янгидан англадим ва топдим, деб ишонч билан айта оламан.

Санъат байрамнинг очилишида ЮНЕСКО, Осиё халқаро фольклор ижодиёти ташкилоти, Россия, Қирғизистон Президентларининг маслаҳатчилари, Тожикистон, Қозоғистон, Озарбайжон, Туркия маданият вазирлари каби мартабали меҳмонлар ҳамда мамлакатимиздаги хорижий дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

— Жаҳон халқларининг тарихий, моддий-маданий меросини ўрганиш ва тарғиб этишда бундай анжуманларнинг ўрни беқиёс, — дейди ЮНЕСКО департаменти бошлиғи Жоти Хосаграх Висерварая. — Бизнинг ташкилотимиз фестиваллар тимсолида энг сара маданият намуналарини ҳисобга олиб боради. «Шашмақом» ана шундай энг қадимий ва мўътабар санъат дурдоналаридандир. Икки минг йиллик тарихга эга «Шашмақом» нафақат Ўзбекистонда, балки кўплаб мамлакатларда кенг тарқалган. Шунинг учун ушбу Халқаро мақом фестивали унинг тарихий маданиятни тиклашдаги аҳамиятини янада юксалтирди.

— Ушбу фестиваль нафақат Ўзбекистон, балки бутун Шарқ халқларининг маданий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга. Бинобарин, у халқларнинг маданий яқинлигини

мустаҳкамлашга хизмат қилди, — дейди озарбайжонлик мусиқа мутахассиси Фаҳраддин Бахшалиев. — Шу туфайли биз ҳам ўзимизнинг муғом санъатини дунёга таништириш ва кўрсатиш имкониятига эга бўлдик.

10 сентябрь куни дунё санъат аҳлининг бош саҳнасига айланган Оқсарой майдонидаги амфитеатрда Халқаро мақом санъати анжумани голиб ва совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Дастлаб, фаол ижрочилар қатор номинициялар бўйича тақдирланди.

Халқаро ҳақамлар ҳайъати иштирокчиларнинг чиқишларини унча — «Энг яхши мақом ансамбли», «Энг яхши яқохон чолғу ижроси» ва «Энг яхши яқохон хонанда» номинацияси бўйича баҳолади.

Туниснинг «Al Gharbi Twins», Япониянинг «SPCC Japan» жамоалари ва Туркменистон вакили Сухонберди Оразбердиев учинчи ўринга лойиқ, деб топилди. Эроннинг «Настар» ансамбли ва ҳиндистонлик Устад Иқбол Аҳмад Хон иккинчи ўринга муносиб кўрилди.


Озарбайжоннинг «Ҳайрати» жамоаси солисти Нигор Шабанова ва Ўзбекистоннинг «Сақил» ансамбли биринчи ўринга сазовор бўлди.

Ниҳоят, ҳаяжонли лаҳзалар. Ҳақамлар ҳайъати ҳулосасига кўра, Халқаро мақом санъати анжуманининг бош соврини — Гран-при Тожикистон мақом академиясига берилгани эълон қилинди.

Голиб ва совриндорларга пул мукофотлари, шунингдек, анжуманининг махсус дипломи ва эсдалик совгалари тақдим этилди. Бундан ташқари, анжуманда иштирок этган барча хорижий меҳмонларга сувенир ва махсус сертификатлар топширилди.

Маросимда юртимиз санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг концерт дастури ҳамда 3D проекция-мусиқали ёритиш томошаси намойиш этилди.

Ўлмас БАРОТОВ,
ЎЗА мухбири.



СЎЗ — АНЖУМАН ИШТИРОКЧИЛАРИГА

МАҚОМ САНЪАТИ — УМУМИЙ БОЙЛИГИМИЗ



Абдулфас ГАРАЕВ,
Озарбайжон Республикаси маданият вазири:

— Аввало, катта мусиқий анжуманининг очилиши юксак даражада ташкил этилгани билан табрикламоқчиман. Ўзбекистон бу каби халқаро мусиқий анжуманлар ўтказиш бўйича яхши тажрибага эга мамлакат. Бу байрамнинг Амир Темур туғилган юрда ўтказилиши ҳам тарихий, ҳам меъморий, ҳам мусиқий меросни жипслаштиришда гоят катта ўрин тутди. Шу жиҳатдан мақом анжуманини ҳар томонлама қизиқарли ва халқлар ўртасида маданий мулоқотни кенгайтиришда жуда фойдали, деб ҳисоблайман.

Озарбайжон делегацияси анжуманда кўп сонли вакиллар билан қатнашмоқда. Улар орасида мусиқачилар, ҳайъат аъзолари, Озарбайжон миллий муғом санъатини таништириш учун олимлар ташриф буюрган. Бизнинг мамлакатда муғом ҳаёт тарзига айланган. Уси маданиятимизни, тарихимизни тасаввур қила олмаймиз. Мазкур анжуман мақом ва бизнинг аънавий ҳамда замонавий муғом йўналишидаги янгиликлар ҳақида ўзаро фикр алмашиб, халқларимиз ўртасидаги маданий муносабатларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Муғом мамлакатларимизни дўстлаштирувчи, халқларимизни, маданиятимиз ва аънаваларимизни бирлаштирувчи кучдир.

Мен Президент Шавкат Мирзиёевга ушбу юксак даражадаги халқаро анжумани ташкил этиш ташаббускори бўлгани ва гўзал Шаҳрисабзда бизнинг делегациямизга кўрсатилган катта эҳтиром учун чуқур миннатдорлик билдираман.



Шамсиддин ЎРУМБЕКЗОДА,
Тожикистон Республикаси маданият вазири:

— Мақом санъати тожик халқида ҳам эъзозланади. Мамлакатимиз раҳбари Эмомали Раҳмон, аинқиса, бу санъатни жуда қадрлайди. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакат ҳаётининг барча жабҳаларида туб ислохотларни амалга ошириш жараёнида миллий маданият, санъат, хусусан, мақом санъатини янада ривожлантириш, халқаро миқёсда кенг тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратаётгани хорижлик санъаткорлар ва мутахассисларни ҳам хурсанд қилмоқда. Шаҳрисабзда келиб, мақом Ўзбекистонда жуда юксак эъзозланиши, унинг ривож йўлида улкан ишлар бошлангани ва бу ўз самаларини кўрсатаётганига гувоҳ бўлдик.

Мақом — бутун дунёда эътироф этиладиган санъат. Шунинг учун ҳам ЮНЕСКО уни номоддий маданий мерос рўйхатига киритган. Биз тадбир доирасида «Шашмақом» ва «Шашмақом шарҳи» номли китобларни совға қилдик. Келажакда ушбу нуфузли анжуман бутун дунё миқёсида катта шухрат қозонишига тилақдошимиз. Ўзбекистон заминидан ўтаётган ушбу анжуман қанча кўп ривожланса, бизнинг халқимиз ҳам шунча хурсанд бўлади. Чунки биз эту тирноқимиз. Биримизнинг ютуғимиз, иккинчимизники ҳамдир. Бинобарин, мақом санъати умумий миллий бойлигимиз ҳисобланади.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2018 йил 11 сентябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, бошқона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қиймати белгилади.*

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

1 АҚШ
доллари
7862,17

1 Англия
фунт
стерлинги
10158,71

1 Жанубий
Корея
вони 6,97

1 Канада
доллари
5977,02

1 Швейцария
франк
8112,86

1 Миср
фунти
440,70

1 ЕВРО
9081,59

1 Россия
рубл
112,59

1 Япония
йена
70,80

1 Хитой
юани
1149,12

1 БАА
дирҳами
2140,65

1 Австралия
доллари
5586,86

ХУСУСИЙ АГЕНТЛИКЛАР

бандлик масаласида фуқароларга яқиндан ёрдам беради

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракциясининг навбатдаги йиғилишида «Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Ушбу лойиҳа биринчи ўқишда «Рекрутинг фаолияти тўғрисида»ги қонун сифатида киритилган эди. Қизғин муҳокама ва халқаро тажрибани ўрганишлар натижасида унинг номи ўзгартирилди. Чунки рекрутинг чекланган турдаги фаолият бўлиб, иш билан таъминлаш соҳасидаги барча хизматлар қўламини қамраб олмаган.



Бунёд ЭШОНҚУЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги Ўзбекистон ХДП
фракцияси аъзоси:

— Мазкур лойиҳада аҳолини иш билан таъминлашнинг қўламини ҳамда тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш назарда тутилган. Халқроқ меҳнат ташкилотининг «Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида»ги Конвенцияси номига мувофиқ равишда ўзгартирилмоқда. Шундан келиб чиқиб, лойиҳага айрим ўзгаришлар киритилган. Хусусий бандлик агентликлари юридик ва жисмоний шахслар томонидан ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклда тузилиши мумкин. Агентлик давлат органлари, сиёсий партиялар, қасаба уюшмалари ва диний ташкилотлар томонидан тузилиши мумкин эмас.

Лойиҳани ўрганиш жараёнида айрим бир-бирини инкор этувчи моддаларни учратдим. Масалан, 9-моддада келтирилган меъёр ўз-ўзидан 4-моддага зид равишда тузилган. Балким рус тилидан таржима қилишда хатоликка йўл қўйилган бўлиши мумкин. Муҳими, лойиҳада фуқароларнинг хавфсизлик масаласига кенгроқ жой берилиши керак, деб ўйлайман. Яъни ҳаётларимизни хорижда иш билан таъминлашда уларнинг хавфсизлиги, соғлиги ва ҳуқуқлари қонуний ҳимояланган бўлиши лозим. Хусусий бандлик агентликлари фаолиятининг асосий принциплари қонунийлик, очиклик ва шаффофлик, камситишга йўл қўймаслик асосий тамойил бўлиши зарур. Агентликларнинг ташкил этилишининг ўзиёқ қўшимча иш ўринларини яратиши, таклиф этилаётган вариантнинг мазмунан бойитилгани учун фракциямиз аъзолари уни қўллаб-қувватлайди.

Фракция аъзолари «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуни лойиҳаси бўйича ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Унга кўра, телекоммуникация тармоғига ундан фойдаланиш ва халқаро трафики ўрнатилган ҳимоя тизимларини айланиб ўтган ҳолда ўтказиш мақсадида қонунга хилоф равишда, руҳсатсиз улаштириш қонунан тақиқланган ва жавобгарлик белгиланган.



Саттор РАХМАТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги Ўзбекистон
ХДП фракцияси аъзоси:

— Айтиш керакки, замонавий телекоммуникация технологиялари ривожланиши, уларнинг қурилмалари ва хизматлари нархларининг пасайиши натижасида халқаро алоқани ташкил этишнинг услублари ўзгарди. Маълумотлар узатиш ва мобил алоқа тармоқлари жадал ривожланди. Бу эса халқаро товушлий трафики қонунга хилоф равишда,

«Ўзбектелеком» АК халқаро коммутиция марказларини четлаб ўтказиш учун телекоммуникация тармоқларидан фойдаланишнинг услубларини юзага келтирди. Демак, фаолиятнинг бу каби қонунга зид равишда йўлга қўйилишини тақиқлаш эҳтиёжи пайдо бўлди. Шу жиҳатдан олиб қаралганда таклиф этилаётган қонун лойиҳаси бугунги кун учун керак. Аммо унга киритилаётган меъёрларни пухта ва ўзимизга мос равишда ишлаб чиқиш зарур.

Масалан, халқаро трафики ўрнатилган ҳимоя тизимларини айланиб ўтган ҳолда махсус дастурий ёки аппарат воситаларини сақлаш, фаолият кўрсатишга шароитлар яратиш бериш учун жавобгарлик белгиланган. Ёки телекоммуникация тармоғига қонунга хилоф равишда, руҳсатсиз улаштиришда жиноят аломатлари бўлмаган тақдирда маъмурий жавобгарликни белгилаш на-

зарда тутилмоқда. Бу жойда ҳам ваколатли органларнинг номлари келтирилиши лозим, назаримда.

Ахборот хавфсизлигини таъминлаш мақсадида назорат ўрнатиш ва жавобгарликни белгилаш масалаларига янада ойдинлик киритилиши керак. Қонун кучга киргач, тўғридан-тўғри ишлаши, корупциянинг олдини олиш, жазо турини тўғри белгилаш ва бошқа қатор масалаларга ойдинлик киритиш учун лойиҳани янада такомиллаштириш зарур, деб ўйлайман.

Фракция йиғилишида яна бошқа қонун лойиҳалари ҳам кўриб чиқилди. Лойиҳаларда ҳаволаки меъёрлардан қочиш, «Норма ижодкорлиги тўғрисида»ги Президент фармонида кўра, «ақлли тартиб солиш» модели элементларини қўллаш масалаларига эътибор қаратилди.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбекистон ХДП фракцияси позицияси

МУНОСАБАТ

ЮКСАК МУКОФОТ

катта масъулиятдир



Максуда
ВОРИСОВА,
Олий Мажлис
Сенати аъзоси,
«Соғлом авлод
учун» ордени
соҳиби:

— Ҳар йили энг азиз, энг улуг айём — истиқлол байрами арафасида турли соҳа вакилларини мукофотлар билан тақдирлаш яхши анъанага айланган. Бу йил менга ҳам юксак ишонч билдирилди. Меҳнатинг яқинларинг ёки ҳамкасбларинг томонидан эътироф этилса ҳам хурсанд бўласан, ҳаяжонланасан, киши. Президент Фармонига кўра, давлатнинг юксак мукофотида лойиқ кўрилсанг, бунинг қувончи, масъулияти жуда баланд бўларкан. Тўғри, ҳаяжонини суз билан ифода қилиб беролмайман. Ойла аъзоларим, ҳамкасбларим, яқинларим ҳам мен билан баравар қувонди.

Болалигимдан одамларни даволашни орзу қилганман. Шу мақсадда олий ўқув юртида таълим олдим, билимимни оширдим. Ҳозир ўзим севган соҳада халқимизга хизмат қилаётганимдан хурсандман. Мендек оддий бир шифокор учун бундай юксак мукофот билан тақдирланиш жуда катта шараф, деб биламан. Шунинг алоҳида айтишим керакки, мукофотни Президентимиздан қабул қилаётган каттиқ ҳаяжонландим. Зиммамга улкан масъулият юклатганини чуқур ҳис этдим. Мен шифокорман, айнаи ҳолда Сенат аъзосиман. Бугун депутат ва сенаторларга қўйилаётган талабни яхши биламан. Президентимиз кўрсатмаси билан биз, сенатор ва депутатлар қишлоқма-қишлоқ, уйма-уй юриб, одамлар ҳаёти билан танишялмиш, муаммоларни ўрганишмиш. Айниқса, партияимиз электорати бўлган инсонлар ва ногиронларни қийнаётган масалалар оз эмаслигини кўраялмиш. Соғлиқни сақлаш тизимида ҳам камчиликлар бор. Биз бу муаммоларни ўз холига ташлаб қўймай, уларни бартараф этиш чораларини излашмиш, ўз тақдирларимизни берилишимиз керакки, ҳар бир инсон ўз ишидан, яшаётган жойидан фахрланиши, мамнун бўлиши керак. Айнаи шу туйғулар одами янгиликлар қилишга, яхшиликка ундайди, янги марралар сари куч беради. Айни пайтда ўзимда ана шундай шижоатни ҳис қиламан.

МАҚОМ САНЪАТИ ВА ЁШЛАР ТАРБИЯСИ

Назира ЎРОҚОВА,
халқ депутатлари
Қарши шаҳар
Кенгашидаги
ЎЗХДП гуруҳи
аъзоси, 6-сон ўрта
таълим мактаби
директори:

— Шахрисабзда мақом санъати бўйича ўтказилган анжуман бутун вилоятимиз аҳли учун катта байрамга айланиб кетди. Мақом анжумани қувончу шодликлари кириб бормаган оила қолмади. Айниқса, хорижий мамлакатлардан келган меҳмонлар билан жойлардаги учрашувлар жуда самимий ва ҳаяжонли ўтди. Улар халқимизнинг турмуш тарзи, миллий урф-одатлари билан танишишди. Ўзларининг миллий куй-қўшиқларини намойиш этишди.

Бу учрашувлар, мулоқотлар миллиятларни бир-бирига яқинлаштиради, дўстлаштиради. Одам бир-бирини билмагач, бегонасирайди, билгач эса муносабати ўзгаради. Анжуман кунлари қозлаб хорижий меҳмонлар томонидан кўлаб-қувватланмоқда. Тарихий ёдгорликлар билан танишишди, буюк ўтмишимиз тўғрисида кўпроқ маълумотка эга бўлишди. Ўзбек халқи санъатсевар, кўнгли очик, меҳмондўст эканлигига ишонч ҳосил қилишди. Фестивалнинг энг муҳим аҳамияти шунда, деб ўйлайман.

Фестивалга тайёргарлик жараёнида нафақат тегишли идоралар, балки жамоат ташкилотлари, ҳусусан, партияимиз аъзолари ҳам фаол иштирок этди. Фестивалнинг юксак савияда ўтишида уларнинг ҳам ҳиссаси бор.

Ҳар бир гоё ёки ташаббуснинг қўллаб-қувватланиши, яшаб кетиши унинг мақсадида, гоёсига боғлиқ. Президентимиз ташаббуси билан ўтказилган мақом санъати гоёси умуминсоний кадриятлар билан боғлиқ бўлгани учун ҳам дунёнинг кўлаб мамлакатларида қизиқиб ўйғотмоқда, мақом санъати муҳлислари томонидан кўлаб-қувватланмоқда. Анжуман кунларида қадим мақом санъатининг ноки қирралари, сеҳри ва куч-қудратини яна бир бор чуқур ҳис этдик ва бундан фахрланамиз, албатта. Ишончим комил, анжуманда қатнашган барча санъаткорлар, меҳмонлар байрам қувончларини ўз юртиларига олиб кетишди. Биз эса зиммамизда ана бир вазифа борлигини англаб етдик. Фарзандларимиз маънавияти юксак бўлиши, Ўзбекиона феълли, қалби бўлиши учун мақом санъатини улар ўртасида кенг тарғиб қилишимиз керак бўлади. Бу вазифа асосан ота-оналар ва ўқитувчилар зиммасида, деб ўйлайман.

САЙЛОВ КОДЕКСИ ЛОЙИҲАСИ:

САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ТАШКИЛИЙ — ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Бугунги кунда мамлакатимизда сайлов қонунчилигини янада такомиллаштириш ҳамда энг юқори демократик талаблар ва умумэтироф этилган халқаро стандартларга тўла мувофиқ равишда ягона қонун қабул қилиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Президентимизнинг Олий Мажлисига Мурожаатномасида ҳам бу ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилган. Шунингдек, соҳада қабул қилинган 6 қонун ва қўллаб қонуности ҳужжатлар ҳалигача ахлит бир ҳужжат шаклига келтирилмаганлиги танқид остига олиниб, халқаро норма ва стандартларга жавоб берадиган ягона Сайлов кодексини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш лозимлиги таъкидланган эди.

Мурожаатномада белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида жорий йилнинг 22 январидан «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси ишлаб чиқилди. «Фаол тадбиркорлик, инновацион гоёлар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширилаётган ишлар бўйича Давлат дастури тўғрисида Президент фармони қабул қилинди. Ушбу фармон билан тақдирланган Давлат дастурининг 2-бандида республикамизнинг амалдаги сайлов қонунлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари асосида Сайлов кодекси лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси белгиланган. Сайлов кодекси лойиҳасини ишлаб чиқиш учун мамлакатимиздаги етук ҳуқуқшунос олимлар ва мутахассислар жалб этилди. «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги қонунлар ва Марказий сайлов комиссиясининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ишлаб чиқилди.

Сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишда асосий субъект — сайлов комиссиялари ҳисобланади. Бундай комиссияларга ҳаққоний, адолатли демократик сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш, сайловчиларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдиришлари учун етарли имкониятлар яратиш вазифалари юклатилган. Сайлов кодекси лойиҳасида сайлов комиссияларининг самарали фаолият юритишлари учун зарур ташкилий-ҳуқуқий

Сайлов кодекси лойиҳасида участка сайлов комиссиялари фаолиятининг очиклигини таъминлаш, овоз бериш жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича янги қоидалар киритилмоқда. Масалан, аввал овоз бериш биносига қўйиладиган талаблар, участка сайлов комиссиялари амалга ошириши лозим бўлган вазифаларнинг аксарияти Марказий сайлов комиссиясининг низоми ва йўриқномалари билан белгиланган.

асослар мустаҳкамланди. Сайлов кодекси лойиҳасининг 2-бобида сайлов комиссияларининг тизими, уларнинг ваколатлари ва вазифалари кенг ёритиб берилган.

Амалдаги сайлов қонунчилигимизда Марказий сайлов комиссияси, вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссиялари ҳамда округ ва участка сайлов комиссияларининг шаклланиши, уларнинг фаолиятини амалга ошириш бўйича ваколатлари бир неча қонунларда эътироф этилган. Хусусан, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги қонун, шу билан бирга, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонунларда сайлов комиссиялари фаолиятига оид бир неча мазмунан тақдорланувчи моддалар мавжуд. Бундан ташқари, мазкур қонунларда

сайлов округлари ва сайлов участкаларини тузиш тартиблари ва муддатлари ҳам мазмунан тақдорланган. Шу сабабли Сайлов кодекси лойиҳасида мазкур нормалар унификациялаштирилиб, бир-бирини тақдорловчи моддаларга барҳам берилмоқда.

Қонунчилигимизга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов Марказий сайлов комиссияси, округ сайлов комиссияси ва участка сайлов комиссиялари томонидан ташкил этилади ва ўтказилади. Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов эса вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссияси, халқ депутатлари туман Кенгашига сайлов ўтказувчи туман сайлов комиссияси, халқ депутатлари шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссияси, округ сайлов комиссиялари ҳамда участка сайлов комиссиялари томонидан ташкил этилади ва ўтказилади.

Ушбу тизимга мувофиқ участка сайлов комиссияси сайловчилар билан бевосита ишловчи ва овоз беришни ташкил этувчи орган сифатида муҳим ўрин тутиб, ўзига хос асосий бўлин ҳисобланади.

Сайлов кодекси лойиҳасида участка сайлов комиссиялари фаолиятининг очиклигини таъминлаш, овоз бериш жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича янги қоидалар киритилмоқда. Масалан, аввал овоз бериш биносига қўйиладиган талаблар, участка сайлов комиссиялари амалга ошириши лозим бўлган вазифаларнинг аксарияти Марказий сайлов комиссиясининг низоми ва йўриқномалари билан белгиланган. Эндиликда участка сайлов комиссиялари ва овоз бериш биналарини тегишли тартибда жиҳозлаш, расмийлаштириш талаблари, участка сайлов комиссиялари аъзоларининг овоз бергунга қадар, овоз бериш вақтида ва овоз бериш якунлангандан кейинги хатти-ҳаракатларини қонун нормалари билан мустаҳкамлаш таклиф этилмоқда.

Юқорида қайд этилган янги нормаларнинг Сайлов кодекси лойиҳасига киритилиши сайлов комиссиялари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиради.

Фарҳод НАСРИДИНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Марказий
сайлов комиссияси Котибияти
умумий бўлим мудири.

ЭНДИ МАЖБУРИЙ МЕҲНАТ ЙЎҚ

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири Ш.Кудбиев ва бошқалар қўллаётган пахта йиғим-терими билан боғлиқ ташкилий масалалар устувор вазифалардан бири экани ва мавсумда фуқароларни мажбуран пахта далаларига олиб чиқиш ҳолатларининг олдини олиш бўйича тегишли чора-тадбирлар қўйилаётганини таъкидлади.

Бунда Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 майдаги «Ўзбекистон Республикасида мажбурий меҳнатга барҳам беришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори муҳим аҳамият касб этаётгани қайд этилди.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирига мажбурий меҳнатга қарши курашиш мақсадида махсус ишонч тармоқларини ишга туширмоқда. Эндиликда мажбурий меҳнатга жалб қилиш ҳолатлари кузатишда вазирига @tehnathuqubot телеграм тармоғига хабар йўллаш ёки 200-06-01 телефон рақамига бўйғироқ қилиш мумкин. Ҳар бир мурожаат кўнгилга тезкор чора-тадбир қўйилади. Бундан ташқари, пахта йиғим-теримида мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик ва иштиёрий равишда пахта теримида чиқиш истагида бўлган фуқароларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш учун @terimuzbot телеграм тармоғи ҳамда terim.uz сайти фаоллаштирилди.

— Мажбурий меҳнатга жалб қилиш ҳолати кузатишда, фуқаролар юқоридаги телеграм тармоғи орқали исм-шарифини кўрсатмасдан фақат телефон рақамини киритиб, манзиллари ва воқеа ҳолатини акс эттирган ҳолда мурожаат йўллаши мумкин, — деди вазири Ш.Кудбиев. — Шундан сўнг келиб тушган мурожаат тегишли тартибда ўрганилади ва ҳуқуқбузарлик аниқланса, мажбурий меҳнатга йўл қўйган шахсга нисбатан чора қўйилади. Бундан ташқари, жорий пахта мавсумида мамлакат бўйича 200 нафар профилактика инспектори мажбурий меҳнатга қарши курашади. Матбуот анжуманида мажбурий меҳнатга қарши олиб борилаётган шу каби долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Даврон СУННАТОВ,
ЎЗА мухбири.

